

ЯГОНА СИЁСИЙ КУНГА

## СИЁСИЙ ДОКЛАДЧИЛАРГА ЁРДАМ

# ТАРИХНИНГ ҚАҲРАМОНОНА САҲИФАСИ

## РОССИЯДА 1905—1907 ЙИЛЛАР РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Бу йил империализм давридаги биринчи халқ революцияси ва 1917 йил октябрида жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик воқеа — эксплуататорлар ҳокимияти ағдариб ташланиб, Советлар ҳокимияти, ишчилар синфи ва бутун меҳнаткаш халқ ҳокимияти ўрнатилиши билан якунланган Россиядаги уч революциядан бири бўлмиш 1905— 1907 йиллар революциясига 80 йил тўлади. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, 1905 йилдаги каби «генерал репетиция» бўлмаганда, 1917 йилдаги буржуа, феврал революциясининг ҳам, пролетар, Октябрь революциясининг ҳам бўлиши мумкин эмас эди».

Биринчи рус революциясининг сиёсий сабоқлари бугунги кунда ҳам тинчлик, демократия ва социал тараққиёт йўлида кураш олиб бораётган халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати учун жуда актуал бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз ва бутун инсоният тарихига энг муҳим шонли ва ёрқин саҳифа бўлиб ёзилган 1905— 1907 йиллар воқеаларининг жуда катта унутилмас аҳамияти ҳам шу билан белгиланади.

Бинобарин, КПСС Марказий Комитетининг «Россияда 1905 —1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарорида бу шонли санани «партия ва мамлакат, жаҳон коммунистик, ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракати тарихидаги шонли воқеа» сифатида нишонланиши зарур, деб кўрсатилганлиги қонунийдир. Қарорда, шунингдек, Россиядаги биринчи халқ революцияси «Янги аср бошида мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг бутун бориши билан тайёрланган» ҳамда «Янги тарихий давр — чуқур социал ларзалар ва революцион жанглар даври бошланганлигидан» дарак берганлиги қайд қилинди.

XX аср бошларида чор Россияси ўткир социал-иқтисодий, синфий зиддиятларнинг туташган нуқтаси бўлиб қолдики, бу зиддиятлар фақат ғолибона, чинакам халқ революцияси натижасидагина ҳал қилиниши мумкин эди.

Феодализм таянчи бўлган самодержавиени ағдариб ташлаш, крепостнойликнинг ҳамма қолдиқларини тугатиш ана шундай шароитда пролетариат ва деҳқонлар аҳволини яхшилашнинг ягона йўли эди. 1905— 1907 йиллар революцияси Россияни демократик ривожланиш йўлига солиб юборишга қаратилган эди. Бутун воқеалар XX аср бошларида Россия жаҳон революцион ҳаракатининг марказига айланганлигидан далолат берарди.

1905 йилнинг 9 январида Петербургда юз берган воқеалар Россияда биринчи буржуа-демократик революциясини бошлаб берди. Чор ҳукумати Петербург ишчиларининг тинч намойишини ваҳшийларча ўққа тутди. Намойишчилар ўз ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини намойишкорона билдирмоқчи эдилар. Ўша куни мингдан ортиқ ишчи ўлдирилди, беш мингга яқин киши яраланди.

«Қонли якшанба» кучли революцион ҳаракат юксалишининг бошланғич нуқтаси бўлди. Петербург пролетариатининг «Ўлим ёки озодлик!» деган алангали шиорини бутун мамлакат ишчилар синфи баланд кўтарди. Миллий зулм чоризмга нафратни кучайтириб юборган Россиянинг чекка ўлкаларида стачка ҳаракати кенг қулоч ёйди. Ишчилар стачкаси таъсирида қишлоқ ҳаракатга келди. Деҳқонлар помешчикларнинг мулкларини вайрон қила бошладилар.

Халқнинг озодлик курашида В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси —революцион назарияни амалда ишчилар ҳаракати билан боғлаган янги типдаги партия олдинги сафда борди. 1905— 1907 йиллар революцияси жаҳон революциялари тарихида марксистик партия стратегияси ва тактикаси аниқ ишлаб чиқилган, программасига эга бўлган мустақил сиёсий партия сифатида майдонга чиққан революция бўлди.

Партия меҳнаткашлар оммасига маҳкам таяниб, уларнинг орзу ва интилишларини ифодалаб, синфий курашлар давомида оммани чиниқтириб, пролетариат теварагига жипслаштира борди.

1905— 1907 йиллар революцияси тарихга янги типдаги буржуа-демократик революция си бўлиб кирди. Бу тасодифий эмас. Тарихда биринчи марта ишчилар синфи ана шу революциянинг гегемони, барча меҳнаткашлар оммасининг доҳийси бўлиб майдонга чиқди. Социал-иқтисодий мазмуни жиҳатидан буржуа-демократик революция кураш воситалари ва формаси жиҳатидан пролетар революцияси эди.

Революцион воқеаларнинг авж олишида 1905 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган РСДРПнинг III съезди жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу— ўз материаллари ва қарорларида меньшевистик оппортунизмга қарши, янги типдаги партияни тузиш учун, Россияда биринчи халқ революциясини тайёрлаш ва ўтказиш учун курашда В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар кураши тажрибаси мужассамлашган биринчи большевиклар съезди эди.

РСДРП III съезди қарорларини, большевикларнинг революциядаги стратегик плани ва тактик йўли В. И. Лениннинг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» деган ва 1905 йилда чоп этилган машҳур асарида назарий жиҳатдан доҳиёна асослаб берилди.

1905 йил кузига келиб революцион ҳаракат бутун мамлакатга ёйилди. Москва ва Петербург ишчилари ташаббуси билан 1905 йил октябрида Бутунроссия сиёсий стачкаси бошланди. Бу стачка барча асосий саноат марказларини ва қудратли сиёсий чиқишга айланган пролетариат ҳаракатини ўз ичига олди.

1905 йил май ойида революцион кураш авж олган шароитда Иваново-Вознесенскда Россияда биринчи ишчи депутатларининг умумшаҳар Совети барпо этилди. Кейинчалик бундай Советлар бошқа жойларда ҳам пайдо бўлди. В. И. Ленин бу воқеаларни чуқур таҳлил қилиб, Советларни келажакда пролетариат диктатураси давлат ҳокимиятининг тимсоли бўлган янги революцион ҳокимиятнинг куртаги, деб баҳолади.

1905 йил декабрь қуролли қўзғолони революция ривожининг энг юқори нуқтаси бўлди. Самодержавиега қарши қўзғолоннинг қизил байроғини биринчи бўлиб Москва ишчилари кўтариб чиқдилар. Улар манфур чор самодержавиесига қарши қўлга қурол олиб,очиқдан очиқ ва дадил кураш майдонига чиқдилар. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, Москва ишчиларининг қаҳрамонлиги Россиянинг барча меҳнаткашлар оммаси учун кураш намунаси бўлди.

Декабрь қуролли қўзғолони чоризм томонидан ёвузларча бостирилди. Шунга қарамай, В. И. Ленин ана шу революцияга баҳо бериб бундай деб ёзган эди: «Революцион кураш бутун дунё тарихида биринчи марта шундай юксак поғонага кўтарилди ва шундай куч билан ривожландики, қуролли қўзғолон оммавий стачка билан, пролетариатга хос мана шу қурол билан қўшилиб юзага чиқди: равшанки, бу тажриба **барча** пролетар революциялари учун оламшумул аҳамиятга эга».

Декабрь қўзғолони мағлубиятга учрагач, революция халқ тўлқинининг сусайиши ва қора реакциянинг авж олиши даврига кирди.

Жаҳон реакцияси революция устидан ғалаба қозонилди деб беҳуда чиранди, революциянинг тор-мор этилганидан беҳуда кулди. 1905—1907 йиллар воқеаларининг тарихий сабоқлари беҳуда кетмади.

Орадан атиги 10 йил ўтди. 1917 йил октябрида биринчи халқ революцияси сабоғи ва тажрибасидан фойдаланиб Россия ишчилар синфи камбағал деҳқонлар билан иттифоқда Коммунистик партия раҳбарлигида Совет ҳокимиятини ўрнатди ва ғолибона социализм қурилиши йўлини очди.

1905—1907 йиллар революциясининг муҳим хусусияти шуки, у интернационал характерга эгадир. Революцион жанглар оловида Россиядаги барча миллатларнинг ягона революцион фронти таркиб топди. Бутун революция давомида самодержавие ва помешчикларга қарши рус ишчилари ва деҳқонлари билан биргаликда мамлакатдаги барча миллат ва элатлар халқ оммаси, шу жумладан, Туркистон меҳнаткашлари ҳам қаҳрамонона кураш олиб бордилар.

1905—1907 йилларда Туркистондаги революция Россиядаги биринчи революциянинг таркибий қисми бўлди. Марксизм-ленинизм ғоялари Туркистон социал-демократларига, улар орқали эса ўлканинг илғор ишчиларига большевистик матбуот, марксизм-ленинизм асосчилари асарларини тарқатиш йўли билан етиб борди.

Бунда Тошкент, Самарқанд, Қизил Арват ва бошқа жойлардаги социал-демократик ташкилотлар катта роль ўйнадилар. Тошкент социал-демократларининг яширин босмахонасида чор ҳукуматининг найрангларини фош этувчи, халқни кескин революцион ҳаракатга чақирувчи ҳамда ишчилар, деҳқонлар, солдатларга қаратилган кўпгина чақириқлар босилди.

9 январь воқеаси, Тошкент илғор ишчиларининг сиёсий чиқишлари ўлкада пролетар ҳаракатининг тез ўсишига ёрдам берди. Бош темир йўл устахонаси ва Оренбург— Тошкент темир йўли вақтинчалик устахонаси ишчиларининг иш ташлаши 1905 йилда Тошкент ишчиларининг биринчи йирик чиқиши ҳисобланади.

Бу иш ташлаш шаҳар темир йўл ишчиларининг биринчи марта очиқ оммавий чиқиши сифатида катта аҳамият касб этди. Бундан ташқари у Тошкентнинг бир қатор саноат муассасалари ишчиларининг чиқишларига илҳом бахш этди ва Самарқанд, Чоржўй, Асхобод, Қизил Арват ва Черняево темирйўлчилари ҳам буни қўллаб-қувватлашди.

Тошкент социал-демократик группаси Киев, Самара, Боку, Тифлис ва бошқа шаҳарларнинг социал-демократлари билан алоқа ўрнатди. Россия большевиклари билан мустаҳкам алоқа РСДРП Тошкент группасига тўғри сиёсий йўл тутишга ёрдам берди. У меҳнаткашлар ўртасида кенг ташкилотчилик, пропагандистик ва агитация ишларини авж олдирди.

Туркистондаги революцион ҳаракат феврал-март ойларида темирйўлчилар забастовкаси ва Бутунроссия стачкаси даврида кенг ривожланди. Шу жангларда Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Қизил Арват ва бошқа шаҳарларнинг ишчилари «Йўқолсин чоризм!», «Яшасин демократик республика!» деган сиёсий шиорлар остида жипслашиб майдонга чиқдилар.

Октябрь сиёсий стачкалари вақтида Туркистонда ҳам ишчиларнинг Советлари ва революцион комитетлари тузилди. Ишчилар синфий кураши таъсирида деҳқонлар орасида революцион ҳаракат муттасил кўтарилиб борди.

Революция даври Туркистонда социал-демократик ҳаракатни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. 1905 йилнинг охирига келиб ўлкада РСДРПнинг 17 та ташкилоти, кўпгина майда социал-демократик группалар, 7 та яширин босмахона фаол ишлади. Учта нолегал ва битта легаль социал-демократик газета нашр этилди. Большевиклар муҳаррирлик қилган «Самарқанд» ва «Русский Туркестан» газеталари омма орасида кенг тарқалди.

1905 йил августида бўлиб ўтган ўлка партия конференциясида «РСДРПнинг Туркистон ташкилотлари союзи» барпо этилди. Туркистон большевиклари 1905 —1907 йилларда маҳаллий миллат деҳқонлари ва шаҳар камбағаллари орасида иш олиб бордилар. Улар газета ва варақаларда Ленин партиясининг миллий сиёсатини тушунтириб берар ва ўлкада яшовчи барча миллат меҳнаткашларини рус пролетариати теварагига жипслашишга даъват этардилар. Бу ишда В. М. Морозов, В. Д. Корнюшин, К. Д. Литвишко, А. В. Худаш ва бошқа большевиклар катта роль ўйнадилар.

Бутун Россияда бўлганидек, Туркистон меньшевиклари ва эсэрлари ҳам маҳаллий миллат меҳнаткашларига нисбатан парокандалик йўлини тутиб, шовинистик позицияда турдилар.

Россия ишчилар синфининг революцион кураши таъсирида революцияда маҳаллий миллат меҳнаткашлари тобора актив қатнаша бошладилар. Улар орасида С. Қосимхўжаев, К. Ашуров, А. Комилжонов, Д. Устабоев, И. Шаджанов ва бошқа омма раҳнамолари бор эди. Маҳаллий миллат илғор ишчилари рус пролетарлари билан биргаликда Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Қизил Арват ва бошқа жойлардаги намойишларда ва сиёсий забастовкаларда қатнашдилар. Бойлар, помешчикларга қарши чиққан деҳқонлар орасида ҳам стихияли ҳаракат авж олди.

1905—1907 йиллар революцияси революцион деҳқонлардан иборат ўз иттифоқчисига эга бўлган дунёда энг революцион рус пролетариатининг буюк кучини кўрсатди. У айни вақтда капитал ҳукмрон бўлган мамлакатларда ишчилар синфининг революцион курашини ва Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Афғонистон, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги мазлум халқларнинг миллий озодлик курашини юксалтирди. «Рус — япон уруши ва рус революцияси Осиё халқларининг сиёсий ҳаётга уйғониши учун алоҳида бир туртки бўлди», — деб ёзган эди В. И. Ленин. Рус революцияси бутун Осиёни ҳаракатга келтирди.

1905— 1907 йиллар революциясидан кейин ўтган 80 йил ичида ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли мамлакатимиз барча халқларининг ҳаёти тубдан ўзгарди.

КПСС Марказий Комитетининг «Россияда 1905— 1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарорида айтилганидек, социалистик қурилиш давомида Советлар мамлакати кураш ва ғалабаларнинг шонли йўлини босиб ўтди.

СССР коммунизмнинг биринчи фазаси доирасида олға томон катта қадам ташлаб, янги, тарихан узоқ босқич—ривожланган социализм босқичига кирди. Уни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш партия ва халқ фаолиятининг яқин келажакдаги асосий мазмунини ташкил этади. КПСС партия XXVI съезди, Марказий Комитет шундан кейинги Пленумлари қарорларига амал қилиб, социал-иқтисодий тараққиёт йўлларини очмоқда.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг ленинча ташқи сиёсатни амалга ошириш учун ҳормас-толмас ва изчил кураш давомида орттирган халқаро обрўси юксакдир. АҚШ ва унинг НАТО бўйича иттифоқчилари тарихнинг боришини орқага буришга уринаётган, халқларга ўз иродасини зўрлик йўли билан ўтказмоқчи бўлган, халқаро вазият кескинлашган шароитда тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг ишончли таянчи бўлмиш социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бирлиги ва жипслигининг аҳамияти айниқса, каттадир.

Варшава Шартномаси асосида бирлашган қардош социалистик мамлакатлар уруш оловини ёқувчиларга кескин зарба бериш учун барча зарур воситаларга эгадирлар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги ҳар томонлама ривожланиб, доимо чуқурлашиб бормоқда.

СССР халқлари қардошлик оиласида ўзбек халқининг, республика барча меҳнаткашларининг ҳаёти ҳам гуллаб-яшнади. Ўзбекистон ССРда ҳозирги вақтда саноат ишлаб чиқаришининг юздан ортиқ тармоғи бўлиб, унинг таркибида 1700 дан кўп йирик фабрика ва заводлар бор. Ўзбекистон ССР ташкил этилган 1924 йилдагига нисбатан саноат ишлаб чиқариши ҳажми 428 баравар кўпайди. Катта химия, кўп тармоқли машинасозлик, энергетика, кўмир, газ, кон металлургияси, олтин қазиб олиш, электротехника, енгил, озиқ-овқат ва бошқа саноат тармоқлари барпо этилди ва тез ривожланмоқда. Республика саноати маҳсулоти барча қардош республикаларга етказиб берилмоқда. Ўзбекистон ССР Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган барча социалистик мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий алоқаларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Унинг маҳсулоти Европа ва Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 70 дан кўп мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Совет Ўзбекистони пойтахти Ўзбекистон республикасининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича республика халқ хўжалигида Тошкентнинг ялпи салмоғи салкам 19 процентни ташкил этади, капитал маблағ лимити бўйича эса 14 процентни, илмий ходимлар сони бўйича 69 процентдан зиёдроқни, студентлар сони бўйича эса ярмидан кўпроқни ташкил этади.

Шаҳар саноатида пахтачилик учун қишлоқ хўжалик техникасининг бутун комплекси, кабель маҳсулотларининг ранг-баранг турлари ишлаб чиқарилмоқда. Шаҳар саноат корхоналари Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқарилаётган ип-газламаларнинг 68 процентини, устки трикотажнинг 40 процентини ишлаб чиқармоқда. Турар жой қурилишига сарфланаётган капитал маблағларнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғи Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ажойиб ўзгаришлар юз берди. Колхоз тузумининг ғалабаси натижасида Ўзбекистон юксак даражада ривожланган кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўлкасига айланди. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи—пахтачилик республика бойлигининг асосий манбаидир. Мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлмиш Ўзбекистон ҳозирги вақтда СССРда етиштириладиган пахтанинг учдан икки қисмини бермоқда.

Бугунги Ўзбекистон, ҳеч шубҳасиз, капитализмдан социализмнинг, совет турмуш тарзининг, давлат ва ижтимоий тузумимиз буюк афзалликларининг ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимиз революцион ҳаракати тарихини ўрганиш социал-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш мазмунини чуқур тушуниб етишни, олға томон ҳаракат қилишимизга ҳалақит бераётган мавжуд камчиликларни тугатиш мақсадида партия, совет ва жамоат ташкилотлари фаолиятини танқидий анализ қилишни тақозо этади.

Бу йўлда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми муҳим қадам бўлди. Пленум қарорларига мувофиқ республикада негатив ҳодисалар кескин тугатилмоқда, маънавий-психологик вазият соғломлашмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг 1985 йил 11 мартда КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқида партия ички ва ташқи сиёсати давомий эканлиги алоҳида таъкидланди.

КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумларида ишлаб чиқилган стратегик йўл ўзгармай давом этади. Бу— мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш, жамият ҳаётининг ҳамма томонларини такомиллаштириш йўлидир. «Биз халқ хўжалигини интенсив ривожланиш изларига ўтказишда ҳал қилувчи бурилишга эришишимиз лозим, —деди ўртоқ М. С. Горбачев Пленумда сўзлаган нутқида.— Биз қисқа муддатларда энг илғор илмий-техникавий позицияларга, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг жаҳондаги олий даражасига чиқиб олишимиз лозим ва шундай қилишга мажбурмиз».

Совет халқи келажакка ишонч билан қарайди. У Коммунистик партиянинг сиёсатини қўллаб-қувватлайди ва астойдил маъқуллайди. Чунки партия мамлакатимиздаги барча синфлар ва социал группаларнинг, барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олишга, уларни жипслаштиришга, халқнинг куч-ғайратини коммунистик бунёдкорликнинг умумий ишига сафарбар этишга қодир бўлган ягона кучдир.

Яқинда Советларга бўлиб ўтган сайловлар социалистик демократиянинг чинакам тантанаси бўлди, коммунистлар ва партиясизлар енгилмас блокининг янги ғалабасини кўрсатди. Бўлиб ўтган бу сайловлар шуниси билан диққатга сазоворки, бу йил Советларнинг 80 йиллиги нишонланади. Россиядаги биринчи халқ революцияси давомида вужудга келган Советлар давлатимизнинг сиёсий негизини ташкил этади, чинакам халқ ҳокимиятини таъминлайди.

Совет кишилари Россиядаги биринчи халқ революциясининг 80 йиллигини юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида, КПСС XXVII съезди, совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллиги шарафига 1985 йил ва умуман беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун кураш белгиси остида кутиб олмоқдалар.

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР



Социалистик жамиятда хотин-қизлар меҳнати юқори баҳоланади. Бу борада Чехословакияда катта ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатдаги саноат корхоналарида, қурилиш ташкилотларида, маданий муассасаларда кўплаб хотин-қизлар меҳнат қилишяпти. Улар ишлаб чиқаришнинг олдинги сафларида боришиб, ўз зиммаларидаги топшириқларни муваффақиятли бажаришга ҳаракат қилишмоқда.

СУРАТДА: Усти-над-Лабой шаҳридаги газ заводининг инженери Мария Черни. У Совет Армияси томонидан Чехословакияни фашизм зулмидан озод этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада актив қатнашмоқда.

## САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ

БУДАПЕШТ. Бу ерда «Венгрия саноати 40 ёшда» деган мавзуда республика конференцияси ўтказилди, унда Венгрия саноатининг социализм йилларидаги ривожланиш якунлари чиқарилди. Конференцияда ишлаб чиқариш ветеранлари, ВСИПнинг XIII съезди ва мамлакат фашизм зулмидан озод қилинганлигининг 40 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа ғолиблари, иқтисодчи олимлар, тармоқ раҳбарлари қатнашдилар.

ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Ф. Хаваши конференцияда сўзга чиқиб, ВХРнинг социал-иқтисодий тараққиётида қардош социалистик мамлакатлар билан, аввало СССР билан ҳамкорлик муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлади. Венгриянинг ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш учун бу ҳамкорлик белгиловчи аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқи билан товар обороти жами товар обороти ҳажмининг 30 процентидан ошади, деб уқтирди у. Совет Иттифоқи етказиб берадиган моллар техникавий воситаларнинг, энергиянинг, Венгрия саноати учун зарур бўлган хом ашё ва чала тайёр маҳсулотларнинг анчагина қисмини таъминламоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва ихтисослаштириш эса ВХР экспортини кенгайтириш имконини берди.

Ҳозирги вақтда саноат ВХР халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб қолди, шу тармоқда бир ярим миллиондан ортиқ киши ишламоқда. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1950 йилдан буён ўн баравар кўпайди.

## Қардошларча дўстлик вазиятида

ПХЕНЬЯН. КХДРнинг шимоли-шарқий соҳилида жойлашган Чхонжин шаҳри корхоналарида қардошларча дўстлик ва ўзаро ёрдам, коллективчилик ва ҳамкорлик муҳити вужудга келди. Бу ерда совет-корейс мутахассислари биргаликда меҳнат қилмоқдалар. Улар иккала халқимиз тарихидаги шонли сана —Совет Армияси Кореяни Японияниң мустамлака ҳукмронлигидан озод этган куннинг 40 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олиш тараддудини кўрмоқдалар.

Шаҳарнинг етакчи корхонаси — Ким Чак номли металлургия комбинатида Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Бу ерда металлни иссиқ ҳолида прокат қиладиган цех, кислород—конвертор цехи, бошқа бир қанча ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Янги прокат станларини, кучли конверторларни, узлуксиз пўлат қуювчи қурилмаларни монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишда корейс дўстларга катта ёрдам берилди. Бу ерга Совет Иттифоқидан асбоб-ускуналар ва материаллар узлуксиз келиб турибди. Катта теплоэлектр централи қурилиши жадал давом этмоқда.

## Музика фестивали олдидан

УЛАН-БАТОР. Шу йил сентябрь ойида Монголия пойтахтида ўтказиладиган музика фестивали Осиё халқларининг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлади. МХР ташаббуси билан ЮНЕСКО ташкил этадиган ана шу музика байрамида Осиё қитъасидаги кўпгина мамлакатларнинг композиторлари, ижрочилари ва музикашунослари қатнашадилар.

Фестивалда классик, замонавий ва фольклор музика асарлари янграйди. Бу асарлардан энг яхшилари ЮНЕСКО аъзоси бўлган мамлакатларнинг радио ва телевидениеси орқали олиб эшиттирилади. Учрашув доирасида Осиё халқлари музика меросининг тарихий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги масаласи юзасидан кенг кўламда мунозара ўтказилади ва фикрлашиб олинади. Фестиваль иштирокчилари тингловчилар ва томошабинларни ўз мамлакатларининг халқ музикаси ва рақслари билан таништирадилар. Бу кўрикда барча 18 аймоқ фольклор ансамблларининг монгол санъати вакиллари қатнашади.

Мўътабар халқаро анжуман ўтказиш учун МХР пойтахти танлаб олинганлиги, деб уқтирди монгол композиторлар союзи правлениесининг секретари Д. Оюнцэцэг, музика санъати соҳасида монгол халқи эришган ютуқларнинг кенг эътироф этилаётганлигидан далолат беради. Республиканинг маданият жамоатчилиги бўлажак фестивалга фаол тайёргарликни бошлаб юборди. Бу фестиваль шубҳасиз зўр қизиқиш туғдиради, ер юзидаги энг катта қитъа санъат арбобларининг дўстлик ва ҳамжиҳатлик байрами бўлади.

## ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БЕРЛИН. Лейпцигда халқаро баҳорги ярмарка очилди. «Эркин халқаро савдо-сотиқ ва техникавий тараққиёт учун» шиори остида ўтказилаётган мана шу анъанавий кўрикда кўпгина мамлакатлар, шу жумладан Совет Иттифоқининг 9 мингта энг катта фирмаси, саноат корхонаси ва ташқи савдо бирлашмаси қатнашмоқда.

Ярмаркадаги энг катта экспозициялардан бири бўлган СССР экспозицияси Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллиги белгиси остида намойиш қилинмоқда. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида советлар мамлакати эришган жуда катта ютуқлари тўғрисида, КПСС XXVI съездининг қарорлари изчил амалга оширилаётганлиги ва меҳнаткашлар партия XXVII съездига тайёргарлик кўраётганлиги тўғрисида, СССРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасидаги самарали ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қилади.

***

БЕРН. Цюрихда Швейцария меҳнат партиясининг матбуот органи — «Форвертс» газетасининг анъанавий байрами бўлиб ўтди.

Байрам қатнашчилари мамлакат меҳнаткашларининг социал ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида, тинчлик ва қуролсизланиш учун курашни активлаштиришга қарор берганликларини изҳор қилдилар. Улар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг миллий ва социал озодлик учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватладилар.

***

ГАВАНА. Бу ерда Доминикана республикасидан олинаётган маълумотларга кўра, мазкур мамлакат пойтахти Санто-Доминго шаҳрида маъмурларнинг халққа зид иқтисодий сиёсатига қарши оммавий намойишлар бўлиб ўтди.

Кўпчилиги хотин-қизлардан иборат намойишчилар қонун чиқарувчилардан кенг халқ оммасининг социал-иқтисодий аҳволини яхшилашга оид самарали чоралар кўришни талаб қилиш мақсадида миллий конгресс биноси томон йўл олдилар. Полициянинг кучайтирилган нарядлари таёқлар ва кўздан ёш оқизувчи гранаталарни ишга солиб, намойишчиларнинг йўлини тўсиб қўйдилар. «Тартиб посбонлари» чиқарган тўқнашувлар натижасида намойишчилардан 20 киши оғир жароҳатланди, 50 киши қамоққа ташланди.

***

ҚОҲИРА. Миср пойтахтида 18-халқаро Қоҳира ярмаркаси очилди. Ярмаркада 32 та мамлакат, шу жумладан бир қанча социалистик давлат иштирок этмоқда. Совет Иттифоқининг «Лада», «Москвич» автомобиллари, мотоцикл ва велосипедлари намойиш қилинмоқда. Совет қишлоқ хўжалик техникаси катта қизиқиш уйғотмоқда.

## ХАВФЛИ КЎПАЙИШ

60-йиллардан сўнг Лотин Америкаси аҳолисининг кескин кўпайиши бу воҳада яшаётганларни қаттиқ ташвишга солмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мутахассислари олиб борган кузатиш шуни кўрсатдики, яна 15 йилдан сўнг Мексика пойтахти Мехико аҳолиси 31 миллион кишига етар экан. Яна Лотин Америкасидаги 6 шаҳар жаҳондаги энг йирик ҳисобланган 35 шаҳарлар сафига қўшилади. Тез орада Бразилия шаҳарлари Сан —Паулуда — 25,3 миллион, Рио-де-Жанейрода — 19 миллион, Аргентина пойтахти Буэнос-Айреса— 12,1 миллион, Колумбия маркази Боготода 9,6 миллион ва Перу пойтахти Лима шаҳарларида 8,6 миллион киши яшайди.

## 200 ЙИЛДАН СЎНГ

Англиялик Питер Пламмер марҳум онасининг қоғозларини кўздан кечираётганида шу пайтгача унга номаълум бўлган ноталар эътиборини тортди. Топилма бундан 200 йил илгари охирги марта ижро этилган ва шу пайтгача йўқолган деб ҳисобланган машҳур композитор Георг Фридрих Генделнинг хор учун ёзган ажойиб асарининг бир бўлаги бўлиб чиқди. Мутахассисларнинг фикрича, у 1707 йилда композитор томонидан Римда яратилган.

Шу йилнинг 9 июлида Манчестер шаҳрида 200 йилдан сўнг бугунги музика ихлосмандларига номаълум бўлган Гендель асарлари асосида концерт бўлади.

## ЎРМОНЛАР ЗАРАР КЎРМОҚДА

Йирик саноат корхоналари чиқараётган заҳарли газлар туфайли Франциянинг шарқий районларидаги 20 процент ўрмонлар хавф остида қолди. Яқинда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича текшириш олиб борган мутахассислар шундай фикрга келишди. Айниқса Юра ва Вогез массивларидаги ўрмон зоналари кўплаб зарар кўрмоқда. Швейцария билан чегарадош бўлган майдонлардаги дарахтларнинг қарийб 19 проценти турли хил касалликларга чалинган. Мутахассисларнинг кузатишича, кейинги йилларда зарарланаётган ўрмон массивлари 2 процентга кўпайган.

